

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
БИОЛОГИЯ-ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

РОЗИМБЕТОВА САЛОМАТ АТАВУЛЛАЕВНА

ЎСИМЛИКЛАР ВА ХАЙВОНЛАР ОЛАМИ ГЕНАФОНДИ ИТИ ДА
ЎСУВЧИ ЭФИР-МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАР БИОЛОГИЯСИ

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар:

Қ/ф.н., доц.в.б.

А.А.Маткаримова

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-БОБ ТОШКЕНТ ШАХРИНИНГ ҚИСҚАЧА ФИЗИК – ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ.....	6
II – БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.....	9
2.1. ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР.....	9
2.2. Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонд ИТИ да ўсувчи эфир мойли ўсимликлар рўйхати.....	12
2.3. Эфир мойли ўсимликларнинг биологик хусусиятлари.....	14
3-Боб. ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	51
ХУЛОСА.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54

Кириш

Муаммонинг долзарблиги. Инсон ҳаётини ўсимликлар оламисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Кишилар доимо ўсимликлар билан бирга уларнинг мўжизалари орасида мангу табиат бағридаги яшил дунё мўжизалари билан тўлиб тошган. Табиат вояга етгазган ҳар ниҳолни она боласини эъзозлаганидек авайлаб келади. Унинг униб ўсишига, барқ уриб яшнашига ва насил қолдириб асрлар оша барҳаёт бўлишига доимо кўмаклашиб келади.

Кўҳна табиат махсули бўлмиш ўсимликлар дунёси инсонларни озиқлантириш, кийинтириш, нозу – неъматлари билан танга роҳат бахш этиш, нафис назокати билан эстетик завқ бериши билангина эмас, эволюция жараёнини ўзида мужассамлаштирилган ички дунёси, ақл бовар қилмайдиган биологик хусусиятлари, салобатли шоҳ – шаббаси, уларнинг умрбоқийлиги, ҳайвонлар сингари тирик мавжудотлар билан озиқланиши келгуси авлодларни ўз бағрида вояга етказиб мустақил ҳаётга йўлланма бериш каби ирсий белгилари билан ҳам неча асрлардан бери ўзига ром этиб келади.

Ер куррасида ўсимлик ўчрамайдиган маскан кам топилади десак муболаға бўлмаса керак. У океан ва денгизларда, дарё ва кўлларда, кимсасиз жазирама чўл саҳроларда қояларда ва ғорларда, қир адирларда буюк тоғ ва яйловларда, гўзал боғларда, шунингдек ҳар бир хонадонда ҳам топилади.

Бугунга келиб ер юзида 500 000 га яқин ўсимлик турлари борлиги аниқланган. Ўсимликлар дунёси табиат бойликларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда айниқса доривор ўсимликларга бўлган иштиёқ ниҳоятда зарур бўлиб бормоқда. [/]

Инсоннинг яшаши учун зарур бўлган озиқ – овқат, дори – дармон, витамин шакар моддалари, ёғлар, эфир мойлари ва бошқа маҳсулотлар ўсимликлардан олинади. Ўсимликлар ўз навбатида табиий кимёвий лаборатория вазифасини ўтайди ва мураккаб тузилган органик бирикмаларни

синтез қилади. Бу бирикмалар эса халқ хўжаликнинг турли тармоқлари учун қимматбаҳо хом ашё манбалари бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ёввойи ўсимликларни ўрганиш ва улардан унумли фойдаланиш халқ хўжалигимизнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўсимлик маҳсулотлардан бири эфир мойидир. Ҳозирги кунда эфир мойи ўсимликларни экиб етиштириш жуда муҳимдир.

Жуда қадим замондан буён одамлар овқатларига яхши мазали таъм ва ёқимли ҳид бериш мақсадида турли – туман зиравор ва эфир мойли ўсимликларнинг баргларидан, меваларидан ҳамда уруғларидан фойдаланиб келмоқдалар. Сўнги пайтларда халқ хўжалигидан олинаётган хом-ашё маҳсулотлари ишлатилмоқда. Айниқса эфир мойларидан парфюмерия саноатида атир упалар тиш пасталари ва порашоклар, помадалар ҳамда совунлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Фармацевтикада эфир мойлари аралашмасидан тиш оғриғи, тери касалликлари, сочларга ишлов берадиган дори дармонлар тайёрлашда фойдаланилади.

Шу сабабли мен битирув малакавий ишим мавзусидан келиб чиқиб, ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди ИТИ да ўсувчи эфир – мойли ўсимликлар биологиясини ўрганишни ўз олдимга мақсад қилдим.

Тадқиқотнинг мақсади.

Асосий мақсадимиз ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофони ИТИ да ўсувчи эфир мойли ўсимликларни ҳар томонлама ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси

- Гербарий материалларини тўплаш оила туркум турларини аниқлаш.
- Мавжуд ўсимликларнинг рўйхатини тузиш.

- Аниқланган ҳар бир оила туркум турларига ботаник тафсиф бериш.
- Ўрганилган ўсимликларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўрганишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти ва услублари:

- Ўсимлик турларини аниқлаш учун рус ва ўзбек тилида ёзилган аниқлагичлар ва “Флора Ўзбекистана” 6 томли китоблардан фойдаланилди;
- Турларнинг лотинча номлари “Определител растений Средний Азии” 10 томли китоб, ҳамда Черепанов маълумотлари бўйича берилди;
- Ҳаётий шакллари бўйича ва амалий аҳамияти бўйича гуруҳларга бўлиш учун илмий адабиётлар ва интернет манбаларидан фойдаланилди.

1-БОБ ТОШКЕНТ ШАХРИНИНГ ҚИСҚАЧА ФИЗИК – ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ

Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикаси пойтахти Марказий Осиёнинг йирик саноат транспорт чорраҳаси ва илм – фан маданият марказидир. Тошкент шаҳри Ғарбий Тяньшаннинг тоғ олди қисмида, Чирчиқ дарёси соҳилидаги бир оз паст-баланд текисликда жойлашган. Майдони 206 км²

Тошкент жанубга томон пасайиб борадиган тепаликлардан иборат тоғ олди текислигида жойлашган энг баланд жойи (515 м) Мирзо Улуғбек туманидаги “Трактор” автостанцияси яқинида энг паст жойи (380 м) Сергели туманида, Чирчиқ дарёси соҳилида. Баландликларнинг умумий амплитудаси 130 м дан зиёд. Ер юзаси дарё ва қадимги каналлар водийлари, шунингдек ораликларида кенг ясси сувайргичлар бўлган жарликлар билан бўлинган. Пастлик жойларнинг қиялиги (Солар, Шибли, Бўрижар, Қорақамишнинг ғарбий қисми субмеридионал водийлари, Қорасув ва селар водийларининг қуйи қисми Қичқирик, кайковус, Қорақамиш ўрта қисмининг тахминан кенглик бўйлаб йўналган водийлари) кўпинча умумий қияликканисбатан бироз бурчак остида йўналган. Фақат Чирчиқ ва Бўзсув водийларигина умумий қияликка мос. Тошкент жойлашган дастлабки рельеф ўрта плейетоцен (Тошкент цикли) га мансуб аккумулятив пралювиал текислигидан иборат.

Тошкент Тяньшан тоғ тизимининг Чотқол - Қурама структура формация зонасининг ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, бу постпеат-формали ороген облостида алоҳида ўринда туради. Мезазой кесмасида Триас ва юра даври ётқизиклари жуда чекланган миқдорда учрайди. Унинг асосий қисми келиб чиқиши денгиз билан боғлиқ бўлган конгломерат ва оҳактош, кумтош, кум, гил кўринишда бор ётқизиклардан иборат. Уларнинг умумий

калинлиги ўртача 600-800 м. Бор ётқизиклари қатламлари орасида кучли босимли нормал сувлар мавжуд.

Сепоман хрусининг қумли ва қумтошли қатламларида Тошкент артезион ҳавзасининг асосий серсув горизонти Тошкент минерал суви жойлашган. Полеоген ётқизиклари кенг тарқалган бўлиб, умумий қалинлиги 120-130 м бўлган қум тош, гил, конгломерат ва охактошлари комплексидан иборат. Ер устида тўртламчи давр ётқизиклари ривожланган. Улар орасида аллювиал, проллювиал, делювиал ва антропоген генетик типлар, метологен таркибига кўра конгломератлар, шағал, қум, тошли лёсслар (шоҳлар) лёс жинслар тупроқ уюмлари ва суғориш каналларининг лойқа ётқизиклари ажралиб туради. Шағал қатламларининг қалинлиги Чирчиқ дарёсининг яқинида 200 м, лёс жинслари 50-70 м, тошли лёсслар 60-120 м, қум 1-2 м, тупроқ уюмлари 10-12 м қалинликлар. Инсонларнинг инжинерлик хужалик фаолияти натижасида антропоген ётқизиклар юзага келган. Улар орасида уюмли ва ирригацион комплекслар муҳим ўрин тутди. Шаҳарнинг қадимдан аҳоли яшамайдиган қисмида (Эски Жува, Ҳадра, Чорсу) уюмли комплекслар қалинлиги 12 м гача етадиган туташ қатлам ҳосил қилган, тўлдирилган жарликлар ва водийларда уларнинг қалинлиги 20 м гача этади. Шаҳар ҳудудида барча геологик даврларга мансуб ва металогик жинслар комплекси суви Чирчиқ дарёси водийсида грунт сувларининг асосий қисми шакилланади. Бу ерда йиғиладиган грунт сувларнинг фойдаланиш запаси $90,0 \text{ м}^3/\text{с}$. Аллювиал шағаллардаги грунт сувларидан фойдаланиш анча осон ва запаси кўплиги учун сув билан таминлашда ишончли манба ҳисобланади.

Тошкент ва унинг атрофи иқлими континентал, киши нисбатан совуқ, ёзи қуруқ иссиқ. Тошкентда бутун йил давомида кечаси кўпроқ шимолий шарқдан тоғ шамоли, кундузи эса шимолий ғарбдан водий шамоли эсади. Қуёш ёғдуси йилда ўртача 2770 соат давом этади. Қуёшсиз кунлар 1 йилда ўртача 36 кун, ҳавонинг ўртача йиллик температураси $13,3^{\circ}\text{C}$. Энг иссиқ ой июль (ўртача температура $26,9^{\circ}\text{C}$), энг совуқ ой январ (ўртача даража $-0,9$

$^{\circ}\text{C}$). Шаҳарда абсалют максимал даража 44°C , абсалют минимал даража - 30°C . Ўртача нисбий намлик 58%, энг кўпи (73-74%) декабр - январда, энг ками (40-44%) ёз ойларда кузатилади. Кузнинг биринчи ярмида нисбий намлик баҳордагига нисбатан кам. Ёз ойларда 20-29% намлик кузатилади. Айрим вақтларда 5% га тушади. Нисбий намлик 80% ва ундан ортиқроқ кунлар ҳам (айниқса ёз кунларида). Тошкентда йиллик ёғин миқдори ёзда энг кам, март ойида максимал бўлади. Ўртача йиллик ёғин миқдори 387 мм, қор қопламанинг қалинлиги максимум 54 см га етади. (харита)

Тошкентнинг умумий майдонидан 22,9 минг гектари ирригация тармоқлари билан суғорилади асосий суғориш манбаи Чирчиқ – Бўзсув сув системаси, Бўзсув, Қорасув, Солар, Анҳор, Кайковуз, Қорақамиш каби йирик магистрал каналлари шаҳобчалари билан Тошкентни шимолий шарқдан жанубий ғарбга томон кесиб ўтиб, шаҳарни сув билан тامينлайди. Тошкентда халқ хўжалиги ютуқларининг кўرғазмасининг дам олиш ҳудудида Бобур, Улуғбек номидаги ва Бешёғочдаги Маданият ва истроҳат боғлари, “Бахт” “Рохат” ва бошқа дам олиш масканларида сув ҳавзалари суъний кўллар бор. Шаҳар ҳудудидаги каналлар ва суъний сув ҳавзалари ёзнинг жазирама кунларида микроиклим вужудга келишига ёрдам беради. Тупроқлар асосан воҳа бўз тупроқи, шунингдек бўз тупроқ минтақасининг гидроморфли ўтлоқ ва суғориладиган ўтлоқ тупроқлари учрайди. Тошкентда кўп қисми шаҳар қурилишлари билан банд бўлиб, тупроқ турлари кам тарқалишига сабаб бўлади дейиш мумкин.

II – БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

2.1. ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТЛАР

Ҳозирги кунда дунё флорасида эфир мойли ўсимликларнинг, 412 минг тури 300 оилага мансуб бўлган шулардан 3000 тури эфир мойларини сақлаши аниқланган, улардан 650 тури 261 туркум 56 оила вакиллари Ўзбекистон ўсимликлари оламида кенг тарқалган.

Ўзбекистон табиий эфир мойли ўсимликларнинг кенг тарқалган ва бойликлари кўп бўлган ўлкадир. Иттифоқ миқёсида парюмер – косметик саноат талабини кондиритиш ва аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаш мақсадида эфир мойли ўсимликларнинг макони ҳисобланган Ўзбекистонда ўсимликлардан эфир мойларини ажратиш оладиган йирик саноат корхонаси барпо этиш зарур.

Эфир мойларнинг асосий манбаи эфир мойли ўсимликлардир. Эфир мойлари ўз кийимий таркибининг мураккаблиги, учувчанлиги ва хушбўй бўлиши билан ўсимлик мойларидан фарқ қилади. Агар эфир мойлари қоғоз ёки материалга тегизилса, унда ҳеч қандай доғ қолдирмайди, ўсимлик мойлари эса исътемол қилинади. Эфир мойлари кўпчилик ўсимликлардан эркин ҳолатда бўлиб, сув бўғи ёрдамида ҳайдаб олиш ёки экстракция усули билан улардан ажратиш олинади. Баъзи ўсимликларда эфир мойлари гликозидлар ва бошқа моддалар билан бириккан ҳолда бўлади. Уларни соф ҳолда ажратиш олиш учун ферментация усулидан фойдаланилади.

Эфир мойларининг таркибидаги компонентлардан бирининг миқдори кўп бўлса, у мойнинг ҳидини, яъни физикавий ва кимёвий хусусиятларини белгилайди. Эфир мойларнинг компонентларидан парфюмерия саноати учун энг аҳамиятлиси кислородли бирикмалардир. Ўсимликлардан ажратиш олинган эфир мойлари очик ҳавода ёруғлик таъсирида рангли, таркиби ҳамда эфир мойи таркибидаги компонентларнинг хусусиятлари тез ўзгаради.

Кислород ва ҳаво намлиги таъсирида баъзи бирларининг оксидланиши ҳамда учувчанлик ҳолатини йўқолиши натижасида юқори даражада қайновчи полимерли бирикмалар ҳосил қилади. Эфир мойларнинг таркибида альдигидлар бўлса, бу вақтда у қораяди. Жуда қадим замонлардан буён овқатларга мазали таъм бериш мақсадида турли - туман зиравор ва эфир мойли ўсимликларнинг барглари, мевалари ҳамда уруғлари солинади.

Кейинги йилларда халқ хўжалигининг турли тармоқларида эфир мойли ўсимликлардан олинаётган хом - ашё маҳсулотлари, айниқса парфюмерия саноатида кенг қўлланилмоқда. Фармоцевтикада баъзи бир эфир мойлари ҳамда уларнинг компонентлари ментол, тимол, анитол даволаш, антисептик хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли турли ҳил дориларни тайёрлашда фойдаланилади. Ментолнинг спиртли эритмасидан огиз бўшлиғи жароҳатланганда, ошқозон - ичак, йўллари юқумсиз касалликлар билан огриганда ишлатилади. Эфир мойлари учувчанлик ва бактерияцидлар хусусиятларга эга бўлганлиги туфайли дизенфекция қилишда ҳамда ўсимликларни зараркунанда ва касалликларига қарши курашда ишлатилади. Эфир мойлари озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади. Консерва ва балиқчилик саноатлари учун эфир мойлари жуда зарурдир.

Баъзи ўсимликларнинг уруғларидан эфир мойлари ажратиб олинганидан сўн, улардан техник мақсадлар учун ишлатиладиган ёғлар ҳам олинади.

Ўсимлик кунжарасидан эса хайвонлар учун юқори сифатли оқсил-озуқа тайёрланади. Кўпчилик эфир мойли ўсимликлар атиргул, гулсевар, райхон, ҳамда лиля, манзарали лаванда, кариндар, мармарак ҳисобланади.

Ўсимлик эфир мойларидан ташқари сунъий йўл билан хушбўй моддалар ҳам олинмоқда. Лекин улар эфир мойларининг ўрнини боса олмайди. Чунки уларнинг таркиби бир қанча мураккаб бирикмалардан иборат ва улар узоқ муддатгача ўзининг ёқимли хидини сақлайди. Сунъий

йўл билан олинган хидли моддалардан мева эссенсиялари ҳамда спиртли ичимликлар тайёрлашда фойдаланилади.

Эфир мойли ўсимликлар турли туман, иқлим, экологик шароитларда тик минтақаларда ҳам ўсади. Улар бир йиллик, кўп йиллик, бута, чалабута ва дарахтлар бўлиб, чўл, адир, тоғ минтақасининг ўрта қисми ўсимликларни ўзида эфир мойи сақлаш учун шароит жуда ҳам мос келар экан.

2.2. Ўсимликлар ва хайвонот олами генофонд ИТИ да ўсувчи эфир мойли ўсимликлар рўйхати. [1,6,7,14,15,16,17]

1. жадвал.

№	Оила	Туркум	Тур	Ҳаётий шакли
1	Қарағайдошлар Pinaceal	Қарағай Pinus	Оддий қарағай Pinussilvestris	Дарахт
2	Сарвдошлар Cupressaccae	Арча Juniperus	Саур арча J. semiglobosa	Дарахт

3	Ёнғокдошлар Juglandaceae	Ёнғок – Juglans	виргин арчаси J. virginiane Грех ёнғоғи Juglans regia	Дарахт Дарахт
4	Жукадошлар Tiliaceae	Жука Tilia	Юракбарг жука Tilia cordata	Дарахт
5	Далачойдошлар – Hypericaceae	Далачой- Hypericum	Тешик чойут далачой- Hypericum perforatum	Кўп йиллик
6	Нашадошлар Cannabaceae	Кулмоқ (хмел) Humulus	Оддий кулмоқ Humulus lupulus	Кўп йиллик
7	Жийдадошлар Elagnaceae	Жийда Elaeagnus	Ингичкабарг жийда Elaeagnus angustifolie	Дарахт
8	Зирадошлар Apiaceae	Арпабодиён Pimpinella	Аниссимон Арпабодиён Pimpinella anisum	Бир йиллик
9	Асорундошлар Valerianaceae	Валериана Valeriana	Доривор валериана Valeriana officinalis	Кўп йиллик
10	Қоқўтдошлар Asteraceae	Бўйимодарон Achillea Шувоқ-artemisia Оққалдирмоқ Tussilago Мойчечак- Matricaria	Оддий бўймадорон Achillea Millefolium Аччикувоқ Artemisia absinthium Оддий оққолдирмоқ Tyssilago farfara Қирқмабарг мойчечак Matricaria recutita	Кўп йиллик Кўп йиллик Кўп йиллик Бир йиллик
11	Ялпиздошлар	Арслонкулоқ	Туркистон арслонкулоқи	Кўп

	Lamiaceae	Leonurus	Leonurus turkestanicus	йиллик
		Бозулбанг	Гангитувчи бозулбанг	Кўп
		Lagochilus	Lagochilus unebrians	йиллик
		Мармарак Salvia	Доривор мармарак	Кўп
			Savila officinalis	йиллик
		Кийикўт– Ziriphora	Гулбандли кийикўт	Кўп
			Ziriphorapedicellata	йиллик
		Лимонўт Melissa	Доривор лимонўт	Кўп
			Melissa officinalis	йиллик
		Иссоп Hyssopus	Доривор иссоп	Кўп
			Hyssopus officinalis	йиллик
		Тоғрайхон	Майдагул тоғрайхон	Кўп
		Origanium	Origanium tythanthum	йиллик
		Ялпиз	Дала ялпиз	Кўп
		Mentha	Mentha arvensis	йиллик
			Осиё ялпизи	Кўп
			Mentha aziatica	йиллик

2.3. Эфир мойли ўсимликларнинг биологик хусусиятлари

Оила – Қарағайдошлар – Pinaceae Lindl

Туркум – Қарағай – Pinus L.

Тур – Оддий қарағай – Pinus silvestrus L.

Қабила битта қарағайдошлар оиласига эга бўлиб, 10 та туркум ва 250 тага яқин турни ўз ичига олади.

Шимолий Евроосиё ва Шимолий Америкада “Тайга” деб аталадиган ўрмонларни ҳосил қилади. Қарағайдошлар асосан доим яшил қисман баргини

тўқувчи дарахт ҳамда айрим ётиб ўсувчи буталардан ташкил топган барглари игнасимон, тангачасимон, ингичка наштаарсимон турлича катталиқда. Қарағайдошларнинг барглари асосан кўп йиллик 2-7 йилгача тўқилмайди. Қуббалари айрим жинсли. Эркаклик (чангчи) қуббасидаги микроспорофилларда 2 тадан микроспорангий (чангдон) жойлашган. Чанглар шамол ёрдамида тарқалишга мослашган. Урғочи (уруғчи) қуббасининг қоплагич тангача барглари қўлтиғида уруғ тангачалар жойлашган бўлиб, уларнинг юзасида уруғ куртак жойлашган. Уруғлари қанотчали. Қарағайдошлар барча игнабарглилар оиласида энг катта оила бўлиб, ер юзида жуда кенг тарқалган.

Қарағайлар бўйи 20-30 метрга етадиган бир уйли доим яшил дарахт. Танаси тўғри тик ўсади, шоҳлари горизонтал жойлашган. Танаси қалин, тўқ кўнғир рангли пўстлоқ билан қопланган. Ёш новдалари сарғиш рангли нина барглари қалин узун (8-15 см) тўқ яшил рангда қаттиқ бўлади. Оддий қарағайнинг меваси (қуббаси) иккинчи йили пишади. Қуббасининг узунлиги 6-10 см, эни 3-4 см кўнғир жигар рангда. Уруғи майда узунлиги 5-6 мм, кўнғир қанотчалари бор. Бу ўсимлик ёввойи ҳолда Қримнинг Ялта тоғларида ўсади. Қора қарағай Ўзбекистоннинг бир нечта шаҳар ва қишлоқларида узок йиллардан бери маданий ўсимлик сифатида ўстириб келинмоқда (1-расм).

Қарағай ҳар йили тупроқда ҳам яхши ўсади. Қарағай ёруғсевар тез ўсадиган чидамли бўлади. Уруғидан кўпаяди. Унинг тарқалиши ватани Россиянинг Европа қисми Скандиновия, Португалия, Испания, Италия ва Югаславия.

Оддий қарағайнинг бўйи 15-20 м бўладиган пирамидасимон дарахт. Пўстлоғи қизғиш кўнғир ёки кулранг. Нина барглари 15-20 мм, зич жойлашган, ўткир учли. Оддий қарағайнинг ёғочи қурилишда шунингдек смола ва скинидор олишда кўп ишлатилади. [1]

Ёзда нина барглардан хушбой модда чиқиб туради, улар атирофидаги ҳавога тарқалиб одамлар соғлиғига фойдали таъсир етади.

Оила – Сарвдошлар – Cupressaceae Bartl

Туркум –Арча – Juniperus L.

Тур–Виргин арчаси – Juniperus virginiana L.

Оилага 19 та туркум, 130 га яқин тур киради. Улар ҳар иккала ярим шарда ҳам тарқалган. Оила вакиллари бир ёки икки уйли дарахт ва буталар бўлиб, уларда смола гуллар бўлмайди. Баргалари нинасимон ёки тангасимон, новдада қарама – қарши ёки ҳалқасимон ўрнашган. Эркаклик қуббалари якка ҳолда бўлиб микроспорафиллари қалқонсимон микроспорангийлари 2-6 та. Эркаклик гаметафити редукцияланган. Урғочи (уруғчи) қуббасида қоплагич тангача барг ва уруғ тангачаси қўшилиб ўсиб биттага айланган, қоплагич тангача барги ёғочланган ёки юмшоқ этли (арчалар) дир.

Арча (Juniperus) туркимига 14 та тур киради. Шундан 3 та тури: Зарафшон арчаси (J.zarafshchanica)ярим шарсимон (J.semiglobosa)ва Туркистон арчаси Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида тарқалган. Бундан ташқари Виргин арчаси (J.virginia)манзарали ўсимлик сифатида Республикамиз шаҳарларида ўстирилмоқда. Арчалар икки уйли ўсимликдир. Уларда эркаклик (чангчи) қуббалари кичик бўлиб микроспорафилларида 2-6 та микроспорангиялар ҳосил бўлади. Уларнинг эркаклик қуббалари бир йил дарахтда қишлаб иккинчи йилнинг баҳорида пишиб етилади.

Виргин арчасининг бўйи 15-30 метргача бўлади. Унинг асли ватани АҚШ нинг шарқий қисмидир. Арча катта ҳўжалик аҳамиятга эгадир. Баъзи арчаларнинг ёғоси жуда қимматли бўлади.

Улардан каламлар тайёрланади. Баъзилари дурадгорликда ёки тез чиримайдиган материал сифатида ер ости қурилишларида ишлатилади. Ўрта

Осиёнинг тоғли минтақаларида арчалар тупрокни ҳимоя қилувчи ҳамда сув сақловчи ўсимлик сифатида катта роль ўйнайди.

Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Арчалар тоғли туманларда эрозияга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзида фитонцит ажратиши билан ҳавони микроблардан тозалайди. Улардаги эфир мойлари ҳам катта аҳамиятга эга. [3]

Оила – Ёнғоқдошлар – Juglandaceae

Туркум – Ёнғоқ Juglans. L

Тур – Грек ёнғоғи, ёнғоқ. Juglans regia L

Ёнғоқдошлар оиласи 7 та туркумга мансуб 60 та тур киради. Асосан Евросиё ва Америкада тарқалган. Гуллари айрим жинсли, чангчилари кўчаласимон тўпгулда жойлашган. Уруғчиси иккита мевачи баргнинг кўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Тугунчаси остки, меваси – ёнғоқ мева. Барглари ток патсимон мураккаб, эфир мой чиқарувчи безчалардан иборат. Ёнғоқ Песом, Угам, Чатқол, Хисор тизмаларда кенг тарқалган. Ёнғоқлар давр реликти ҳисобланади. Бир вақтлар кенг ареалга эга бўлиб, кейинчалик қисқариб кетган. (2-расм).

Грек ёнғоғи, бўйи 15-30 метрга етадиган мевали дарахт. Шох-шаббаси кенг, танасининг диаметри 0,5-2 м ва ундан ҳам ортиқ йўғонликда. Барги йирик, мураккаб, ток патсимон. Гуллари айрим жинсли. Бир уйли ўсимлик. Чангчи гуллари кучалага тўпланган, уруғчи гуллар эса 1 ёки 2-3 тадан ўтган йилги новда учида етишади. Май ойида гуллаб, меваси сентябрда пишади .

Ёнғоқнинг баргида ошловчи модда (3-4%) минерал тузлар, витамин С 5%, каротин 0,33 мг% эфир мойи 0,3% гача бўлади.

Ёнғоқдан халқ табобатида дори-дармон сифатида ҳам кенг фойдаланади. Хусусан унинг барги тери касалликларини даволашда ва гижжани туширишга ёрдам беради.

Баргидан спиртли ичимликларга солиб тайёрланган суюқлик камқуватликда, витаминлар етишмаганда, тери касалликларида, рахит ва ич кетишда барги, бод касаллигида, турли тошмалар ва сувли темирлаткиларга ва томоқ оғриғига қарши ишлатилади.

Ёнғоқ баргида қурт-қумурсқалар бардош беролмайдиган фитонцид модда бўлганлигидан у кийимларни қуядан сақлашда қўлланилади.

Ёнғоқ ёғочининг мустаҳкамлиги, ёрилмаслиги ва яхши жилоланиши ҳамда қўнғир ранги билан бошқа дарахт ёғочларидан ажралиб туради. Ундан сифатли уй жиҳоз буюмлари тайёрланади. Бундан ташқари у авиация саноатида ишлатилади. Меваси мағзида 75 % ёғ, пўстида ошловчи моддалар сақлайди. [8]

Оила – Жўкадошлар – Tiliaceae

Туркум – Жўка – Tilia L.

Тур – Юракбарг жўка – Tilia cordata Mill

Жўкадошлар – Tiliaceae оиласига мансуб, бўйи 25 м гача етадиган дарахт. Тиббиётда жўканинг гуллари ишлатилади. Юраксимон жўка барглари ўткир учли, аррсимон қиррали бўлиб, узун банди ёрдамида шохларида кетма-кет ўрнашган. Хушбўй, сариқ рангли, беш бўлакли гуллари 5-11 тадан. рим соябон гул тўпламига жойлашган. Меваси – тукли, беш қиррали ёки шарсимон ёнғоқча. (3-расм).

Июн – июль ойларда гуллайди, меваси август – сентябрда етилади.

Жўка турлари , Кавказ, Қрим ва Ғарбий Сибирдаги ўрмонларда ўсади, баъзан катта жўказорларни ташкил қилади. Жўка турлари манзарали дарахт сифатида истрохат боғларида, кўчаларда ва боғларда ўстирилади.

Уларни гуллаган вақтида гулолди барги билан бирга қирқиб олиб йиғилади ва соя жойда қурилади.. Гули таркибида 0,05% эфир мойи, тилиацин ва гесперидин (флавоноид) гликозидлари, тритерпен сапонинлар, витамин С, каротин, шиллик, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Гули ва унинг дамламаси терлатувчи йиғмалар – чойлар таркибига киради. У шамоллаш касалликларида терлатувчи дори сифатида ҳамда томоқ оғриганда оғиз ва томоқни чайиш учун ишлатилади.

Жўка турларининг гулидан тайёрланган дамлама халқ табобатида шамоллаш касалликларида терлатувчи, турли қон оқишларда қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади. Дамламаси яна йўтални, турли асаб касалликларини ва бош оғриғини даволашда ишлатилади. Иссиқ дамлама билан томоқ чайилади. [9]

Оила – Далачойдошлар – Hypericaceae juss.

Туркум –Далачойўт – Hypericum L.

Тур – Тешик чойўт, далачой - Hypericum perforatum L.

Далачойдошлар оиласига 9 туркум 400 дан ортиқ тур киради. Оила вакиллари асосан тропик ва субтропик ҳудудларди кенг тарқалган. Ўзбекистонда 3 тури ўсади. Бу оила ичида энг муҳими далачой Hypericum. Ҳисобланади. Ўрта Осёда унинг 2 тури Hypericumperforatum, Hypericumscabrum кенг тарқалган. Барглари оддий, наштарсимон, қарама-қарши жойлашган. Гуллари икки жинсли, актиноморф, гулкосачабарги бешта кўшилиб ўсган. Гултожибарги 5 та эркин жойлашган. Чангчилари чексиз, уруғчиси 3 та, мевачи баргнинг кўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Меваси кўсакча. Hypericumperforatum L – Тешик чойўт, Далачой. Кўп йиллик ўт.

Бўйи 30-35 см Илдизи ёғочланган. Пояси ва шоҳлари силлиқ. Барглари чўзик – тухумсимон. 10-17 мм. Тўпгули қалқонсимон ёки думалоқ – тухумсимон, кўп гулли. Июл-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди.

Далачой таркибида 10-12,8% ошловчи моддалр, 0,1-0,4% антрацен унумлари флавоноидлар. 0,1-0,33% эфир мойи, 55мг % каротин, 1151,8мг % витамин С, 34мг % холин, жуда оз миқдорда олқалоидлар ва 10 % гача смола бўлади. [21]

Оила – Нашадослар – Cannabaceae Enoll.

Туркум – Кулмоқ. Хмел – Humulus L.

Тур – Оддий Хмел (кулмоқ) – Humulus lupulus L.

Бу оилага сут ширасиз, тикка ёки чирмашиб ўсувчи икки уйли, бир жинсли ўт ўсимликлар киради. Барглари панжасимон, ён баргчали. Гуллари майда, кўримсиз, бир жинсли, чангчили гули рўваксимон тўпгулда жойлашган, чангчиси 5 та, уруғчиси 2 мевача баргдан иборат. Гулқорғони рангсиз. Мева ёнғоқча. Ўзбекистонда табиий ва маданий ҳолда 2 туркум вакиллари ўсади. (4-расм).

Кулмоқ, оддий кулмоқ хмель – Humulus lupulus L. ёввойи ҳолда кулмоқ Ўрта Осиё, Молдова, Украина, Беларус, Россиянинг Европа қисмида жанубий, Кавказ, Олтой, Ғарбий Сибирдаги кенг япроқли ўрмонларда, ариқ бўйларида, бутазорларда ўсади. Украина, Беларус ва Болтиқ бўйи республикаларида плантацияларда ҳамда манзарали ўсимлик сифатида бошқа ерларда ва боғларда ўстирилади.

Humulus lupulus L оддий хмель (кулмоқ) – кўп йиллик бўйи 3-6 метргача бўлган икки уйли чирмашиб ўсадиган ўт ўсимлик. Илдизи йўғон, этли ўқ илдиз, ундан ер остида горизонтал жойлашган ер остки новдалар ҳосил бўлади. Бу новдаларнинг бўғинларидан илдизлар ҳамда янги ер устки поя ўсиб чиқади. Пояси олти қиррали, чирмашиб ёки осилиб ўсади. Поянинг

пастки қисмидаги барглари бутун ёки панжасимон чуқур уч ёки беш бўлакли, юраксимон асосли, йирик тишсимон қиррали. Барг пластинкасининг юқори томонида ғадир-будир, пастки томонида фақат томирлари бўйлаб сийрак тиканчалар жойлашган. Барг пояда узун банди билан қарама – қарши ўрнашган. Поянинг юқори томонига чиққан сари барги кичиклашиб боради. Гуллари майда, бир жинсли, сарғиш – яшил рангли бўлади. Оталик гуллари беш бўлакли, чангчиси (оталиги) 5 та, рўвакка, оналик гуллари эса барг кўлтиғига жойлашган бошоқча тўпланган. Ҳар қайси гулнинг пардасимон гулкўрғони бўлиб, асос қисмидан бошлаб ўрама барглар билан ўралган. Ўсимлик гуллаб бўлгандан сўнг оналик гуллари – бошоқчадаги ўрама барглар тез ўсиб кетиб, кубба деб номланувчи тўпмева ҳосил қилади. Ўрама барг тангачаларининг ички томонида илгаксимон тиканчалари ва жуда ҳам кўп сариқ рангли безлар бор. Меваси – ёнғоқча.

Кулмоқ куббаси таркибида 2% гача эфир мойи, смолалар, хумулин алкалоид, валериан кислата, аччиқ, сариқ рангли бўёқ, холин ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи сексвитерпен гумулен, сесквитерпен спирти люпаренол, мураккаб эфирдир, алифатик ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган. Кулмоқ куббасидан тайёрланган дамлама билан ҳалқ табобатида жароҳатлар ва яралар ювилади. Дамламасидан бод ва подагра касаллигини даволаш учун шифобахш ванна қилинади. Тананинг урулиб, моматалок (кўкарган) ҳамда инфильтрат бўлган жойларига докани дамламада намлаб бойланади. Бошдан соч эрта тўкила бошласа дамлама йки куббаларнинг

қайнатмаси билан бош ювиш буюрилади. Қуритилган қуббаларни элакда эланса ундан тилла-сарик рангли, аччиқ мазали кукун ажралади (эланади). Бу кукун эфир мойли – смололи безлар бўлиб, лупулин номи билан аталади. Кулмоқнинг қуббалари ва лупулин тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, юрак ишини яхшиловчи, сийдик ҳайдовчи ва спазмага қарши таъсирга эга. Шунинг учун кулмоқ доривор препаратлари (куббадан тайёрланган дамлама, лупулин тинчлантирувчи чойлар-йиғмалар таркибида) уёкусизликда , асаб бузулганда, киши хаддан ташқари ҳаяжонланганда ва тиришиш (томир

тортиш) ҳолларида тинчлантирувчи восита ҳамда гипертония ва атеросклероз касалликларини даволашда қўлланилади. Буйрак, буйрак жоми ва ковуқ (сийдик пуффаги) касалликларида яллиғланишга қарши ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида кулмоқ дамламаси ишлатилади. Лупулин ва кубба дамламаси иштаҳа очади, овқат ҳазм бўлишини яхшилади. Шу сабабли лупулин ва дахлама меъда шиллиқ пардаси яллиғланиш, гастрит ва бошқа меъда-ичак касалликларини даволашга тавсия қилинган. [13]

Оила – Жийдадошлар – *Elaeagnaceae* juss.

Туркум – Жийда – *Elaeagnus* L.

Тур – Ингичгабарг жийда – *Elaeagnus angustifolia* L.

Жийдадошлар (*Elaeagnaceae*) оиласи. Бу оила 3 та туркумга мансуб, 40 га яқин турни ўз ичига олади. Улар Шмолий Ярим шарнинг субтропик ва мўътадил иқлими ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистонда 2 та туркумга оид 5 та тури ўсади. Битта туркуми Австралиягача боради. Улар бута ва дарахтлардан иборат. Гуллари икки жинсли.

Жийда – *Elaeagnus* Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўрта Осиё Республикаларидаги боғларда, ариқ бўйларида ўстирилади. Ингичгабаргли жийда Қозоғистон, Ўрта Осиё Республикаларидаги тўқайзорларда ёввойи ҳолда ўсади. Баъзан экилади. [8]

Ингичгабаргли жийда – *Elaeagnus angustifolia* L. бўйи 3 – 10 м га етадиган дарахт . Барглари ланцетсимон ёки эллипссимон, пастки ёки икки томони кумушсимон оқиш рангли, ўткир учли, текис қиррали бўлиб, поя ва шохларида қисқа банди ёрдамида кетма-кет ўрнашган. Майда, сарғиш-кумуш рангли, жуда ҳам ҳушбўй ёқимли ҳидли, тўрт бўлакли гуллари 1-3 тадан барг қўлтиғига жойлашган. Меваси – сариқ ёки сариқ-қўнғир рангли, шарсимон ёки чўзинчок, ширин, бир оз қуруқроқ юмшоқ қисмли данакли мева.

Май ойида гуллайди, мевалари август-октябрда пишади. (5-расм).

Овқатга жийданинг пишган меваси ишлатилади. Уни қоқиб олинганича ейилаверади. Мевасидан компот пиширилади, кучсиз спиртли ичимликлар ва спирт олинади. Яхши куритилган мевасининг тегирмонда тортиб олинган талқонини буғдой унига қўшиб нон ёпилади, баъзан шўрваларга ва бошқа овқатларга солинади. Жийда мевасининг юмшоқ қисмида 40-67,8 % қандлар (фруктоза, глюкоза ва бошқалар), органик (олма ва бошқалар) кислоталар, витамин С, оксил, минерал (кўп миқдорда калий, фосфор ва бошқа элементларнинг тузлари), 30 % ошловчи ва бошқа моддалар бор. Данаги ўз таркибида ёғ, хушбўй гуллари – ароматик эфир мойи, барглари – витамин С сақлайди.

Жийда қадимдан ишлатилиб келинадиган доривор воситадир. Ибн Сино ўз вақтида жийданинг меваси билан турли касалликлани, жумладан йўталга кўкрак оғриғини, қусишни ва ич кетишини тўхтатиш учун ҳамда ичакнинг бошқа касалликларини даволашда қўллаган. Жийда меваси ёки мевасидан тайёрланган қайнатма ҳалқ табобатида ич кетишни, айниқса болалардаги ич кетишни ҳамда юқори нафас йўллариининг яллиғланиш ва шамоллаш касалликларини даволашда қўлланилади. Юрак фаолиятини яхшилаш учун гулидан олинган эфир мойини ҳидлашга берилади. [2]

Оила – Зиradoшлар – Apiaceae Lynosl.

Туркум –Арпабодиён – Pimpinella L.

Тур – Аниссимон арпабодиён – Pimpinella anisum.

Зирадошлар оиласига 300 тага яқин туркумга мансуб, 3000 дан ортиқ тур киради. Ўзбекистонда 69 туркумга оид 198 тур ўсади. Зиradoшлар оиласининг вакиллари. Ер шарининг деярли ҳамма қитъаларида учрайди, лекин субтропик ҳудудларда кўпроқ тарқалган. Улар кўп йиллик жуда йирик

ўтлардан иборат. Уларнинг уруғида эфир мойлари ва смола йўллари бўлади. Умуман бу оила вакиллари эфир мофларга бойлиги билан ажралиб туради. Барглари ён баргчасиз, асосан мураккаб, барг банди кенгайиб нов ҳосил қилади ва пояни ўраб туради. Гуллари мураккаб соябонга бирлашган, актиноморф икки жинсли, гулқўрғони икки доира ҳосил қилиб ўрнашган. Гул қисмлари 5 аъзоли. Косача ва гултож барглари 5 тадан, чангчиси ҳам 5 та, уруғчиси 2 та мевачи баргдан иборат эфир мойига бой меваси оила вақллари аниқлашда муҳим рол ўйнайди.

Арпабодиён *Pimpinella L.* бир йиллик ўтсимон ўсимлик. Унинг бўйи 60-70 см атрофида, пояси тик ўсувчи, тукли, кўп қиррали, юқори қисми шохланган. Поя ва барглари яшил, илдизга яқин ва поянинг пастки қисмида жойлашган барглари узун, уч бўлаккли, қирраси тишсимон, поянинг устки барглари 2-5 бўлакка патсимон қирқилган. Барглар пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, кўримсиз, мураккаб соябонга тўпланган бўлиб, оқ сариқ рангли бўлади. Май-июль ойларида гуллайди, меваси августда етилади. Уруғи тухумсимон, сертук бўлади. Меваси кўшалок пистадан иборат.

Ўрта Осиё республикаларида арпабодиён кенг кўламда ўстирилиб, меваси зиравор сифатида ишлатилади.

Ўсимлик меваси таркибида 2-3 % миқдорда эфир мойи бўлиб, унинг асосий қисмини анетол (80-90 %), анис альдегиди ва кислотаси, метилхавикол ташкил қилади.

Арпабодиён кунжарасида 17-20 % оксил ва 16-22 % мой бўлганлиги туфайли у қорамоллар учун тўйимли озиқ ҳисобланади.

Халқ орасида арпабодиён меваларининг шифобахшлик хусусиятлари қадимдан маълум. Чунончи, ўсимлик меваси терлатувчи, эмизикли аёлларнинг кўкрак сутини кўпайтирувчи, меъда ва ичак касалликларига дори сифатида ишлатилган. Шарқ табиблари арпабодиён мевасининг

кайнатмасини тана ҳарорати кўтарилганда, сийдик ва ўт ажралиши қийинлашганда, асабийлашганда, қорин дам бўлганда ичишни тавсия қилишган.

Абу Али ибн Сино арпабодиённи қиздириб, тутуни ҳидланса бош оғриғи ва бош айланиши тўхташини ҳақида маълумот берган. Шунингдек у арпабодиённи эзиб, атиргул мойи билан аралаштириб кулоқ оғриғини даволаган. Ибн Сино арпабодиёндан сийдик ажралишини кучайтиришда, бачадон, жигар ва талоқ фаолиятини яхшилашда, эски безгакни даволашда ҳам фойдаланган.

Илмий табобатда арпабодиён мевасидан тайёрланган дори дармонлар қорин оғриғини қолдириш, ичак фаолиятини яхшилаш, ел ҳайдаш учун тавсия қилинади. Улар анацид гастритни даволашда қўлланилади. Арпабодиён мойи ва мевасининг дамламасидан юқори нафас йўлларининг шамоллаши, трахеит, ларингит, йирингли бронхит, ўпка гангренази, қизамиқ касалликларини даволашда фойдаланилади.

Бу шифобахш ўсимликдан кондитер ва парфюмерия саноатида, холва тайёрлашда, новвойчиликда ҳам фойдаланилади. Арпабодиён уруғи таркибида 2,5-4 % гача эфир мойи мавжуд. [11]

Оила – Асорундошлар - *Valerianaceae* Batsch.

Туркум – Валериана - *Valeriana* L.

Тур – Доривор валериана – *Valeriana officinalis* L.

Оилага 13 та туркум 400 тага яқин тур киради. Ўзбекистонда оиланинг 3 та туркум 18 та тури ўсади.

Доривор валериана *Valeriana officinalis* кўп йиллик, бўйи 2 м га етадиган ўт ўсимлик. Илдизпояси қисқа ва кўпгина майда илдизчалар билан қопланган бўлиб, ер остида тик жойлашган. Илдизпоядан биринчи йили

илдизолди тўпбарглар, иккинчи йилдан бошлаб поя ўсиб чиқади. Пояси тик ўсувчи, цилиндрсимон, майда қиррали, шохланмаган (баъзан юқори қисми шохланган), ичи ковак, юқори қисми туксиз, пастки қисми эса туклар билан қопланган. Барги оддий, тоқ патли – ажралган, 4-11 жуфт сегментлар (бўлакчалар) дан иборат. Илдизолди барглари узун бандли, поядаги барглар банди эса поянинг юқори қисмига етгани сари қисқара боради. Барглари пояда карама-қарши жойлашган. Гуллари майда, хидли, поя учида қалқонсимон йирик рўвакка тўпланган. Косача барглари гул ичига қараб қайрилгани сабабли аниқ билинмайди. Гултожиси воронкасимон, беш бўлакли, ичкарига қайрилган, оқ ёки пушти рангли, оталиги 3 та, оналик гулини 3 хонали, пастга жойлашган. Меваси – чўзиқ тухумсимон, оч қўнғир писта. Май ойининг охиридан бошлаб август ойигача гуллайди.

Валериана полиморф (бир-бирига жуда ўхшаш яқин шакиллари кўп бўлган) ўсимлик. Унинг яқин шакиллари баъзан мустақил тур деб ҳам ҳисобланади. Улар маълум географик ва экологик ҳудудларга мослашган бўлиб, ўзаро илдизпоянинг катта-кичиклиги, шакли, барг пластинкасининг кўриниши, тукланиш даражаси, гул ранги ва умумий битта ном – доривор валериана (*Valerian officinalis* L.) номи билан юритилилади.

Валериана Ўрта Осиё чўли ва Сибирнинг Шимолий қисмидан ташқари ҳамма ҳудудларда ўсади. Асосан нам ерларда, ўрмон ёқаларида, ариқ бўйларида, буталар орасида, ўтлоқларда ва бошқа ерларда ўсади. [11]

Маҳсулот таркибида эфир мойидан ташқари, 0,01 % га яқин алкалоидлар (хатенин, валерин, актенидин ва бошқалар), учувчан асослар, валерид галерид гликозид, почул спирти, ошловчи моддалар, сапонинлар, қандлар, сирка, олма, стеарин, чумоли, палметил ва бошқа кислоталар бўлади. Валериананинг янги йиғилган ер остки органлари таркибида валепотриатлар (0,5 – 2 % миқдорида) бўлади.

Валериана препаратлари нерв системасини тинчлантириш (уйқусизликда, нерв қўзғалиши даврида ва бошқа нерв касалликларида) ҳамда юрак фаолиятини бошқариш учун ишлатилади.

Дамлама, настойка, қайнатма, эфир валериана настойкаси, курук экстракт, валидол (изовалериан кислотанинг ментол билан ҳосил қилган мураккаб эфиридаги ментолнинг 25-30 % ли эритмаси, таблетка ёки эритма ҳолида чиқарилади). Валериана настойкаси юрак касаллигида ишлатиладиган кардиовален, валокормид ва бошқа препаратлар таркибига киради. [23]

Оила –Қоқўтдошлар – Asteraceae Dumort.

Туркум – Бўймадорон – *Achillea* L.

Тур – Оддий бўймадорон – *Achillea millefolium* L.

Қоқўтдошлар Asteraceae оиласи энг катта оила бўлиб, унга 13000 га яқин туркумга мансуб 25000 тур киради. Ўзбекистонда 121 туркумга оид 566 тур киради. Ҳаётий шаклига кўра оилада бир ва кўп йиллик ўтлар устунлик қилади. Қоқўтдошлар оиласига кирувчи турларнинг саватчаси, асосан найчасимон гуллардан иборат.

Бўймадорон *Achillea* туркуми . Бу туркумга 100 тур кириб, Ўзбекистонда 5 тури ўсади. Туркумнинг ҳамма турлари доривор ҳисобланади. Улар асосан тоғ ён бағларида, адирларда ўсади.

Оддий бўймадорон – *Achillea millefolium* L. пояси бир ёки бир неча чизикли, бўйи 70-80 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимликдир. Унинг барги патсимон қирқилган, яшил рангли, устки томони тукли, улар поячада бандсиз кетма-кет жойлашган. Поянинг учида ясси тўпгуллар саватча кўринишида жойлашган бўлиб, ранглари кумушсимон-оқиш бўлади. Меваси кулранг писта. Ўсимлик бизнинг шароитимизда июнь-август ойларида гуллайди, меваси ёзнинг охири ва куз бошларида пишади. (6-расм).

Бўймодарон халқ табобатида қадимдан қўлланилиб келинади. У қон тўхтатувчи, яра бўлган ва жароҳатланган жойларни, ошқозон-ичак хасталикларини, зотилжам, бош оғриғини даволовчи, иштаҳа очувчи, сийдик хайдовчи омил сифатида ҳам ишлатилган. Ўсимлик гулларининг кукуни асал билан аралаштириб қабул қилинса, гижжа туширади.

Бўймодарон республикамизнинг кўпгина вилоятларида ўсади. У адир, қир, ўтлоқ, тоғ ёнбағлари, йўл атрофлари, боғларда, майда шағалли қияликларда учрайди. Бўймодарон шифобахш бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витамин С, К, каротин, фитонцидлар, эфир мойлари, гликоалкалоид ахиллеин, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар, шунингдек ошловчи, аччик моддалар, эфир мойлари бор.

Бўймодарон шифобахш бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витамин С, К, каротин, фитонцидлар, эфир мойлари, гликоалкалоид ахиллеин, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар, шунингдек ошловчи, аччик моддалар, эфир мойлари бор.

Бўймодарон гулидан косметика соҳасида кенг қўлланилади. Ундан тайёрланган дамлама билан компресс қилинса, киши юзидаги ҳусунбузар, чипқон, сизлоғич ва бошқа тошмаларга малҳам бўлади.

Ўсимликдан олинадиган эфир мойлари саноат кўламида тайёрланадиган мой упа, ҳушбўй лосьонлар таркибига қўшилади. Улар терини латифлаштиради, рангини тиниқлаштиради. [22]

Туркум – Шувоқ - *Artemisia* L.

Тур – Аччиқ шувоқ, эрмон - *Artemisia absinthum* L.

Шувоқ - *Artemisia* туркумига кўп йиллик, бир йиллик ўтлар ва ярим буталар кирази. Шувоқлар туркумининг 500 га яқин тури бўлиб, Ўзбекистонда шундан 40 дан ортиқ тури ўсади. Шувоқларнинг ҳамма

турларида эфир мойлари бўлади.Шунингдек ошловчи, аччиқ моддалар, эфир мойлари бор.

Аччиқ шувок - *Artemisia absinthium* L. Буйи 50-100 см булган кўп йиллик ўт ўсимлик. Пояси тик ўсади,юкори қисми шохланган. Илдизолди, поясининг пастки ва ўрта ўрта қисмидаги барглари узун ёки Аччиқ қиска бандли икки уч марта наштарсимон бўлакчаларга патсимон ажралган бўлиб, пояси билан шохларида кетма-кет ўрашган ўсимлик. Майда, сарик рангли саватчага жойлашган гуллари шингил гул ўрашган тўпламини,шингиллар эса рўваксимон гултупламини ҳосил қилади. Меваси ўткир учли, қўнғир рангли писта. Ўсимликнинг ҳамма қисми сертук бўлгани учун кумуш ранг бўлиб кўринади.

Май-июн ойларида гуллайди, меваси сентябр-октябр ойида етилади. Аччиқ шувокнинг ер устки қисми таркибида 0,5-2% эфир мойи, абсинтин ва анабсинтин аччиқ гликозидлар, органик (олма, кахрабо) кислоталар, флавоноидлар, хамазулен, витамин С, каротин бошқа моддалар бор.

Аччиқ шувок қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун ишлатилиб келинади. Унинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси билан Ибн Сино кўз касалликларини даволаган, сийдик, ўт, гижжа хайдовчи восита сифатида ва аёлларда тўхтаб қолган ҳайзни келтириш учун қўллаган. Ўсимлик ширасини истисқо ва сариқ касалликларига даво қилган, иштаха очиш учун ишлатган. Жигар ва қорин оғриганда аччиқ шувокни янчиб, атиргул ва хина мойлари билан аралаштириб, оғриган ерга суртиб боғлаган.

Аччиқ шувок қадим-қадим замонлардан бери шифобахш ўсимлик сифатида, қатор касалликларни даволашда қўлланилади. [4,10]

Туркум - Окқалдирмоқ – *Tussilago* L.

Тур - Оддий окқалдирмоқ - *Tussilago farfara* L.

Оддий оққалдирмоқ - *Tussilago farfara* L. кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Буйи 20-100 см. Барглари думалок-юраксимон, чети хар хил уйилган, тишли, устки туксиз, яшил, оркаси ок, момик тукли. Саватчасининг диаметри 2-2,5 см Гуллари тилсимон, 16-18 мм, саватча марказидаги гуллари 12-13 мм. Ўсимлик гуллаб булгач, илдиз бўғзида барглар ҳосил қилади. Апрель - май ойларида гуллаб уруғлайди. Барглари таркибида 2,63 % гача туссиягин ва бошқа аччиқ гликозидлар, органик кислоталар, флавоноидлар, сапонинлар, 0,12 % алкалоидлар, каротин, витамин С ва бошқа моддалар бор. [13,20]

Халк табобатида оққалдирмоқ ўсимлиги баргидан ёки гулидан тайёрланган дамлама ёки кайнатма ошкозон-ичак, буйрак, сийдик пуфаги, юкори нафас йўллари яллиғланиши касалликларида ишлатилади. Қуритилмаган баргни эзиб, яра ва чипконларга боғланади. (7-расм).

Туркум – Мойчечак - *Matricaria* L.

Тур - Қирқмабарг мойчечак - *Matricaria recutita* L.

Қирқмабарг мойчечак - *Matricaria recutita* L. Бир йиллик ўт. Бўйи 15-40 см. Пояси бир ёки бир неча, тик ёки кўтарилиб ўсади. Тепа қисмидан шохланган, ҳидли. Барглари икки қарра патсимон қирқилган. Саватчаси гетрогам, оқ, тилсимон уруғчи гуллардан иборат. Июнь - июл ойларида гуллаб уруғлайди.

Саватчага тўпланган гуллар таркибида 0,2-0,8% эфир мойи, флаваноидлар, лактонларидан матрикарин ва матрицин, каротин, витамин С, шиллиқ, аччиқ ва бошқа моддалар бўлади.

Мойчечак ичакларнинг ёпишиб қолишига, микробларга, аллергияга ва яллиғланишга қарши ҳамда яраларни даволовчи таъсирга эга. Мойчечак гули юмшатовчи, антисептик ва яллиғланишга қарши қўлланилади. [21,23]

Оила - Ялпиздошлар - *Lamiaceae* Lindl.

Туркум – Арслонқулоқ - *Leonurus* L.

Тур - Туркистон арслонқулоғи - *Leonurus turkestanicus* V. Krecz.

Ялпиздошлар оиласига 200 туркум, 3500 тур киради. Ўзбекистонда 38 туркумга оид 214 тури ўсади. Оила вакиллариининг пояси 4 қиррали. Барглари оддий, пояда қарама-қарши жойлашган. Гултожбарглари икки лабли, устки лаби 2 та, осткиси 3 та. Уруғчиси 2 та мевабаргли. Меваси ёнғоқча.

Арслонқулоқ. Бўйи 40-150 см га етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир нечта, тик ўсади, шохланган, тўрт қиррали. Барглари тухумсимон бўлиб, беш бўлакка қирқилган бўлиб, пояси билан шохларида банди ёрдамида қарама-қарши ўрнашган. Пушти ёки пушти бинафша рангли, икки лабли гуллари ўсимликнинг юқори қисмидаги барглари қўлтиғида ҳалқа шаклида жойлашиб, бошоқсимон тўпгулни ҳосил қилади. Меваси тўртта ёнғоқча.

Июнь – август ойларида гуллайди, меваси июль – сентябрда етилади. Арслонқулоқ турлари Европа, Кавказ ва Ғарбий Сибирдаги аҳоли яшайдиган жойларда, экинзорларда ва бошқа ерларда ўсади.

Тиббиётда арслонқуйруқ турларининг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаган даврида поясининг юқори қисми 30-40 см узунликда ўроқ билан ўриб олинади ва соя ерда қурилади. [19,11]

Арслонқуйруқ турларининг ер устки қисми таркибида флавоноидлар (рутин, кверцетин ва квинквелозид), 0,4 % алкалоидлар, эфир мойи, витамин С, каротин, қандлар, 9 % гача ошловчи, аччиқ ва бошқа моддалар бор.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама халқ табобатида тинчлантирувчи восита сифатида юрак, меъда ва асаб касалликларини даволаш учун қўлланади. [5]

Туркум – Бозулбанг - *Lagochilus Bge*

Тур - Гангитувчи бозулбанг - *Lagochilus unebrians Bge*

Гангитувчи бозулбанг - *Lagochilus unebrians Bge* Кулранг – яшил тусда бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимликдир. Илдиз пояси калта тортган бўлиб, ўқ, илдизга айланиб боради. Поялари кучли шохлаб, бўйи 60 см гача боради, бир талай қаттиқ туклар билан қопланган. Барглари қарама-қарши жойлашган, тукли, сал терисимон, кўпинча уч ёки беш бўлакли бўлади. Гуллари кўп, барг қўлтиқларида 4-6 тадан чиқади. Гултожиси оч пушти рангда, жигарранг томрлари бор. Меваси чўзинчоқ шаклда бўладиган жигар рангга мойил тўртта майда ёнғоқчадан иборат. Июнь – августда гуллайди, июль – сентябрда мева тугади.

Бозулбанг таркибида лагохилин, 0,03% эфир мойи, 11-14% ошловчи моддалар, органик кислоталар, 7-10 мг% каротин ва 77-100 мг % витамин С бўлади. Бозулбаг халқ табобатида жуда қадрланади. Ундан тайёрланган қайнатма ва ҳамда дамлама қон кетиш касаллигини даволашда кенг қўлланилади. Булардан ташкари ўсимлик қон босимини пасайтиришда, бавосил, ошкозон ва ўн икки бармоқли ичак яллиғланишларини тери касалликлари аллергиясини даволашда фойдаланиш мумкин. [19,22]

Туркум - Мармарак - *Salvia L.*

Тур - Доривор мармарак - *Salvia officinalis L.*

Ўзбекистонда мармаракларнинг 15 та тури ўсади. Бу туркум вакиллари ҳам эфир мойларига бой бўлади. Мармаракларнинг бир нечта туридан доривор ўсимлик сифатида фойдаланилади. Мармарак бўйи 100 см гача борадиган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдизи кам тармоқланадиган ўк илдиз. Поялари тўрт қиррали, қизғиш-бинафшаранг тусда, устки қисми без тукчалари билан қопланган. Барглари карама-қарши жойлашган, тухумсимон шаклда, четлари тишли, бандлари бор. Поясининг учига томон барглари кичрайиб, банди калта тортиб боради. Гуллари пушти ёки оқ рангда бўлиб, тўпгуллар ҳосил қилади, безчаларидан ўзига хос шилимшиқ чиқадиган бўлгани учун ёпишқоқ бўлади. Меваси – қўнғир-жигарранг тусда, силлиқ, думалоқ бўладиган тўрт қўшалок ёнғоқча. (8-расм).

Июнь – августда гуллайди, мевалари август – сентябрда етилади.

Мармарак тўпгулларида 0,58 фоизгача эфир мойи, ўтида кумаринлар, флавоноидлар, бир оз микдор эфир мойи, сапонинлар, склареол ва бошқа моддалар бор.

Халқ табобатида мармарак ўтининг гуллари ва баргларида тайёрланган дамламани бронхитлар, пиелит, цистит, гепатит, энтерит, гастроэнтерит, меъда яра касаллиги давосига ишлатилади, стоматитлар, ангиналар пайтида оғиз, томоқни чайиш учун, тери касалликлари ва қуюқ жаралар давосига сиртга ишлатиш учун буюрилади. [23]

Туркум - Кийикўт – *Ziziphora* L.

Тур - Гулбандли кийикўт - *Ziziphora pedicellata* Pazij.

Кийикўт – *Ziziphora* L. нинг Ўзбекистонда 7 тури тарқалган бўлиб, улар кўп йиллик ва бир йиллик ўтлардан иборат. Гулбандли кийикўт - *Ziziphora pedicellata* кўп йиллик ўсимлик. Буйи 20-40 см. Барглари наштарсимон ёки ингичка наштарсимон. Июнь-сентябр ойларида гуллаб уруғлайди. (9-расм).

Кийикўтнинг турлари таркибида эфир мойлари кўп бўлганлиги учун улардан доривор, эфир мойли, зиравор ўсимлик сифатида фойдаланилади. [11]

Туркум - Лимонўт – *Melissa L.*

Тур - Доривор лимонўт - *Melissa officinalis L.*

Доривор лимонўт - *Melissa officinalis L.* Ёкимли лимон ҳиди келиб турадиган, майин туклар билан қопланган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдизпояси жуда шохлаб ўсиб, ер тагидан новдалари бўлади. Пояси тўрт қиррали, сершоҳ, бўйи 120 см гача боради, тукли ва барглари қарама-қарши жойлашган, бандли, тухумсимон шаклда пастки томони туклар билан қопланган, узунлиги 8 см гача боради, гуллари учки барг қўлтиқларидан чиқади, узун бандли бўлиб, гул тожиси оқ, ташқи томондан сийрак туклар билан қопланган. Меваси деярли уч қиррали, тўқ жигаррангли 4 та чўзинчок ёнғоқча. (10-расм).

Июнь – августда гуллайди, мевалари июль – августда етилади. [8]

Лимонўт Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида, Кавказ ҳамда бошқа жойларда учрайди. Вилоятнинг тоғ олди туманларида бутазорлар орасида арчалар, дарахтлар соясида, баъзан ташландиқ жойларда четдан келиб қолган ўсимлик тариқасида учрайди, экилади ҳам.

Бу ўтда витамин С, эфир мойлари, ошловчи моддалар, олсинат, уросолат ва бошқа кислоталар бор. Уруғларида 20 фоизга қадар ёғли мой бўлади.

Халқ табобатида бу ўтнинг қайнатма ва дамламалари меланхолияда, овқат ҳазми бузилган маҳалларда, асаб системасини мустаҳкамлаш ва юрак ишини қувватлаш учун, шунингдек, сийдик ел ҳайдайдиган, терлатадиган, оғриқ қолдирадиган, талвасаларга қарши восита тариқастда қўлланилади.

Баданга чипқон чиққанида, оғиз бўшлиғининг яллиғланиш касалликларида, ювиш компресс қилиб қўйиш учун бу ўт дахлама ва қайнатма ҳолида қўлланилади.

Ибн Сино лимонўт юракни тетик қилиб, мустаҳкамлайди, овқат ҳазмини яхшилади ва хикичоқ тутганида ёрдам беришини айтган.

Замонавий табобатда лимонўтнинг эфир мойи худди валерианага ўхшаб тинчлантирувчи таъсир кўрсатиши аниқланган. Лимонўт препаратлари юрак ишига яхши таъсир ўтказади, ҳансираш, тахикардия хуружларини (юракнинг бирдан тез-тез уриб кетиш хилларини), юрак соҳасидаги оғриқларни камайтиради, қон босимини пасайтиради. Болгарияда лимонўтдан оғриқни қолдирадиган, тинчлантирадиган, иштаҳани очадиган ва қусишга қарши таъсир қиладиган восита тариқасида фойдаланилади.

Лимонўтни асаблар бўшлиғи, бош оғриғи (мигрень), подагра, камқонлик, уйқусизликда, артериал гипертония, атеросклерозда, шунингдек, баданга тошма тошганида, чипқон чиққанида, стоматитларда ишлатиш тавсия этилади. [4,8]

Туркум – Иссоп - *Hyssopus* L.

Тур - Доривор иссоп - *Hyssopus officinalis* L.

Доривор иссоп –ялпиздошлар *Lamiaceae* оиласига киради. Ўрик хидли, кўп йиллик, бўйи 85-90 см бўлган, доим яшил чала бута. Илдизи ўқ илдизли. Поясининг асосий қисми ёғочланган, шохланган 4 қиррали. Барглари қарама-қарши жойлашган, бандсиз ёки калта бандли ланцетсимон ёки чизиқсимон, четлари бир оз пастга қайрилган. Унинг гуллари сиёҳ ранг, пушти ранг барглар ораларида 3-7 тадан сохта мутовкаларга тўпланган. Мутовкалар

бошоқсимон, узунлиги 20-22 см га борадиган соябонларни ташкил қилади. Меваси 4 та аниқмас қиррали, тухумсимон ёнғоқчадан иборат. Узунлиги 2,5-3 мм бўлиб, ёнғоқчаларнинг усти нотекис, ранги тўқ-қўнғир ёки қўнғир қора.

Географик тарқалиши. Доривор иссоп Қрим, Кавказ, Молдова, Жанубий Европа, Ўрта Ер денгизи атрофларидаги мамлакатларда ҳамда Ўрта Осиё мамлакатларда ўстирилади. Кимёвий таркиби. Баргида 0,90-1,98 % эфир мойи, дубил моддалар, кислоталар ва гулида флавоноиддиосимин $C_{34}H_{44}O_6$, иссопин ва глюкоза бор. [3]

Доривор иссопнинг эфир мойи фармацевтикада асосан суртмаларнинг, қисман сиртга ишлатадиган бошқа дориларнинг ҳидини яхшилаш учун ишлатилади. Эфир мойи антисептик хусусиятга эга бўлганидан куйган жойларни тузатувчи восита сифатида фойдаланилади. Тиббиётда кўкрак органлари, нафас сиқилиши, бронхит ва бронхиал астма касалликларини тузатишда ишлатилади. Иссоп мойи озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Туркум – Тоғрайхон - *Origanum L.*

Тур - Майдагул тоғрайхон - *Origanum tyttanthum L.*

Майдагул тоғрайхон - *Origanum tyttanthum* кўп йиллик эфир мойли ўсимлик. Ўзбекистонда битта тури ўсади. Унинг ер устки қисмида 0,56 - 0,58 %, баргида 0,68 - 0,72 %, тўпгулида 0,56 - 0,65 % эфир мойи мавжуд. Ундан тиббиётда сийдик ҳайдовчи, уйқусизликка қарши, овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини яхшиловчи дори - дармон сифатида фойдаланилади.

Тоғрайхон зиравор сифтида овқатга ишлатилади. Ундан турли хил алкогольсиз ичимликлар, атирсовунлар, тиш пасталарига хушбўй ҳид таратиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, у асалширали ҳисобланади.

Россиянинг Европа қисмида, Молдова, Украина, Беларус, Кавказ, Сибирь ҳамда Қозоғистон ва Қирғизистоннинг айрим туманларида ўсади.

Майдагулли тоғрайхон асосан Ўрта Осиё Республикаларининг тоғли туманларининг (Ғарбий Тянь - Шань ва Помир Олой тоғларида) ўсимлиги бўлиб, тоғларнинг пастки (тоғ этаклари) ва ўрта қисмидаги – тошли тупроқли, шағалли тоғ қияларида ўсади.

Тоғрайхо бўйи 30-60 см (баъзан 90 см гача) бўладиган кўп йиллик ўт ўсимликлар. Поялари тўрт қиррали, шохланган. Шохлари пояда қарама-қарши ўрнашган. Барглари кенг тухумсимон, тухумсимон ёки чўзиқ тухумсимон, текис қиррали бўлиб, поя ва шохларида, банди ёрдамида қарама-қарши жойлашган. Майда, оқиш, пушти ёки қизғиш рангли, беш бўлакли (лабгулдошларга хос типда тузилган) гуллари бошоқсимон ярим соябонга тўпланиб, поя ва шохлари учида қалқонсимон бошча тўпгулини тўпгулини ҳосил қилади. Меваси – тўртта ёнғоқча.

Июн - август ойларида гуллайди, меваси июл – сентябрда етилади.

Овқатга тоғрайхоннинг ер устки қисми зиравор маҳсулот сифатида ишлатилади. Ер устки қисми қуритилмаган ва қуритилган ҳолда салатларга, помидор соусига, сабзавот, тухум, краб ҳамда сирдан тайёрланган таомларига, колбасага, суюқ ва баъзи қуюқ гўштли (қовурдоқ ва бошқалар) овқатларга қўшилади. Бу таомларга тоғрайхон махсус, ўзига хос майоран билан тоғ жамбилнинг ҳидини эслатадиган ёқимли ҳид ва маза беради. Райхон ва муруч билан биргаликда тоғрайхон духовкада қовуриб ва димлаб пишириладиган гўштга, паранда гўштига ва бошқа гўштли овқатларга солинади. Тоғрайхон яна бодринг, қўзиқорин, помидор ва карамни тузлашда, зираворлаб сиркалашда ишлатилади. Майдагул тоғрайхондан лимонад типдаги чанқоқ босувчи ичимлик ҳам тайёрланади.

Тоғрайхон турларининг ер устки қисми таркибида эфир мойи, витамин С, флавоноидлар, кумаринлар, тритераен кислоталар, полифенол бирикмалар, ошловчи ва бошқа моддалар, мевасида 25 % гача ёғ бор. Эфир мойи 35–66 %

феноллар (тимол ва карвокрол), геранилацетат ва бошқа терпенлардан ташкил топган. [14]

Тоғрайхон қадимги доривор ўсимликлардандир. Ўз вақтида турли касалликлари даволашда тоғрайхон турларидан Гиппократ, Арасту (Аристотел), Диоскорид, Плиний, Маттиоли, Абу али Ибн Сино (Авиценна) ва бошқа ўтмиш олимлари ҳам ишлатганлар.

Халқ табобатида тоғрайхон ер устки қисмидан тайёрланган дамлама ўпка сили, йўтал ва нафас йўллари бошқа касалликларида балғам кўчирувчи меъда - ичак фаолиятини яхшиловчидори сифатида ва бошқа касалликларда ишлатилади.

Тоғрайхон ер устки қисми марказий асаб тизимини тинчлантирувчи, ичак қисқаришини ҳамда тер, овқатни ҳазм бўлишида иштирок этувчи ва бронхларга жойлашган безларни суюқлик сиқаришини кучайтирувчи тасирга эга. Шунинг учун тоғрайхон ер устки қисмидан тайёрланган дамлама илмий тиббиётда ичакнинг заифланишида овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи ва иштаҳа очувчи дори сифатида қўлланади. Балғам кўчирувчи, терлатувчи ва ел ҳайдовчи восита сифатида ишлатиладиган ҳамда терлатувчи ва кўкрак йиғмалари - чойлари таркибига тоғрайхон турларининг ер устки қисми киради. Балғам кўчирувчи сифатида тоғрайхон нафас олиш йўллари шамоллаш ва яллиғланиш касалликларини (бронхит, йўтал, фарингит ва бошқалар) даволаш учун қўлланилади.

Тоғрайхон эфир мойи стоматологияда тиш оғриган беморларни тинчлантириш ва тиш оғриғини қолдириш учун ишлатилади.

Тоғрайхон ер устки қисми сийдик ҳайдаш ва организмдан гижжаларни тушириш таъсирга эга эканлиги тажрибаларда аниқланган. [12]

Туркум - Ялпиз – *Mentha L.*

Тур - Дала ялпиз - *Mentha arvensis L.*

Дала ялпиз - *Mentha arvensis* L. Ўзбекистонда 45 тури ўсади. Ялпиз кўп йиллик ўт ўсимлик. Поялари тик ўсувчи, тўрт киррали, шохланган, баландлиги 30-100 см. Барглари ланцетсимон ёки чўзиқ-тухумсимон, ўткир учли, аррасимон ёки тишсимон киррали бўлиб, поя ва шохларида қисқа банди ёрдамида қарама-қарши (шохлари ҳам) ўрнашган. Гуллари поя учиди халқасимон тупгулни ташкил этган. Меваси тухумсимон силлик, тўртта ёнғоқча.

Июн - август (қалапир ялпиз август - октябр) ойларида гуллайди, меваси июл - сентябрда етилади.

Овқатга ялпиз турларининг барги зиравор ўсимлик сифатида ишлатилади. Ялпизни янги узилган ҳолида бошқа кўкатлар билан бирга овқатдан олдин дастурхонга қўйилади. Улар овқатга ёқимли, иштаҳа очувчи хушбўй ҳид беради ва қовурилган гўштли таомларнинг таъмини яхшилади. Ялпиз баргини димланган қарам, сабзи, кўк нўхот, турли мева ва сабзавотлардан тайёрланган суюқ овқатларга, маринадлар, гарнирларга ҳамда гўшт ва балиқли таомларга ялпиз барги солинади. [8]

Ялпиз барги ва уни эфир мойидан совуқ ичимликлар, ликёр ҳамда маппаси, канфет, пряник, печенье ва бошқа қандолат (кондитер) маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланилади.

Ялпиз турларининг ер устки қисми ва барги таркибида эфир мойи, флавоноидлар, каротин ва бошқа моддалар бор. Эфир мойи карбон, пулегон, цитронеллол, ментол, мураккаб эфирлар, валериан, сирка кислоталари ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Ялпиз қадим зомонларда Мисрда мурдаларни балзамлашда қўлланилган. Гиппократ, Диоскорид, Парацельс ва бошқа қадим замон олимлари ялпизнинг доривор хусусияти тўғрисида жуда яхши фикрларни айтишган. Ялпиз турларини Ибн Сино буриштирувчи, қуритувчи, исситувчи ва терлатувчи дорилар деб ҳисоблаган.

Халқ табобатида ялпиз қадимдан овқат ҳазм бўлишини яхшилаш, кўнгил айланиши, оддий ва қон аралаш қусишни тўхтатиш, қон оқитишни тўхтатиш ва организмдан гижжаларни тушириш учун қўлланилади. Уларнинг баргини ўз вақтида Ибн Сино ҳам шу ва бошқа касалликларни (қобирғалардаги ва ичаклардаги оғриқларни тўхтатиш, меъдани мустаҳкамлаш, қондалашлар, сийдик ва ўт-сафро ҳайдаш, бош оғриғини қолдириш, терлатувчи восита сифатида ҳамда бошқаларни) даволашда ишлатган.

Ҳозирги вақтда ялпиз баргидан тайёрланган қайнатма ёки унинг шираси табобатда ўт (сийдик ва жигарнинг бошқа касалликларида) ва сийдик (истиско, буйрак ва сийдик йўллари тош касаллигида) ҳайдовчи, балғам кўчирувчи (йўтал ва кўкрак оғриғида), организмдан гижжаларни туширувчи ва чанқоқни босувчи восита сифатида қўлланилади. Қайнатма яна пневмония, бронхит, ангина, бод ва бошқа шамоллаш касалликларига, ширинча, астма (нафас қисиш), меъда - ичак юқумли ва бошқа касалликларга даво қилинади. Кўнгил айланиганда ва қусиш ҳолларида уни ичишга берилади. Тиш оғриганда қайнатма билан оғиз чайилади, кўтрда – терининг касалланган жойлари ювилади. Бод, бўғинларнинг оғриши, урилган жойлар (урилиб лат еган жойлар) ва сариқ касалликларида ялпиз баргидан шифобахш ванна қилинади. Тери яллиғланганда, мушаклар оғриганда ва жароҳатланган оғриган жойга ялпиз барги боғланади ёки барг дамламаси билан намланган доқа боғланади.

Ялпиз эфир мойининг кристалл қисми – ментолнинг мойидаги эритмасини бурун яллиғланиши – тумов (ринит) ва бурун битиб қолганда (бурун билан нафас олиш қийнлашганда) бурунга, кулоқ шамоллаб оғриганда кулоққа томизилади. Ментолнинг мойидаги эритмаси яна томоқ ва нафас олиш йўллари ҳамда тиш оғриғига даво қилинади. Ментолдан бошнинг қаттиқ оғриғи – мигренни даволашда қўлланиладиган мигрен қалами тайёрланади. Ментол нафас йўллари касаллигида ишлатиладиган ингофен ва

стенокардияни даволашда қўлланиладиган валидол препарати таркибига киради. [9]

Фармацевтика амалиётида ялпиз суви ёрдамида баъзи суяқ дори турларининг ёқимсиз ҳид ва мазаси яхшиланади. Ялпиз барги тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи, меъда касалликларида қўлланиладиган йиғмалар – чойлар таркибига киради.

ЭФИР мойи

1. Қарағай куртаги таркибида – 0,4 % баргли шохчасида – 0,13-1,3 %.
2. Арча қуббаси таркибида 0,5-2 % баргида – 0,18 %.
3. Ёнғоқ – баргида – 0,1 %
4. Далачай – 0,1-0,33 %.

5. Кулмоқ Хмел – қуббаси таркибида – 2 %.
6. Жийда – гулида – 0,3 %.
7. Арпабодиён – мева таркибида – 1,2-3,2 % баъзиларида 6 %.
8. Валериана – илдиз ва илдизпоясида – 0,5-2 %.
9. Бўймадарон – 0,8 %.
- 10.Шувоқ (Дормена шувоқ *A. sina*) 1,5-3 %. Аччиқ шувоқ ер устки қисми 0,5-2 %
- 11.Оққалдирмоқ – 70-251 мг %.
- 12.Мойчечак – саватча тўпламида – 0,2-0,8 %.
- 13.Бозулбарг – гули ва баргида 0,2 %.
- 14.Мармарак – барг таркибида – 0,5-2,5 %.
- 15.Кийикўт – поя ва тўпгулларида 2,5 %.
- 16.Лимонўт – Ер устки қисмида – 0,02-0,14 %.
- 17.Иссоп –баргида – 0,90-1,98 %.
- 18.Тоғрайхон – 0,12-1,20 %.
- 19.Арслонқулоқ 0,05 %.
- 20.Ялпиз – баргида – 2,40-2,75 %. Гул тўпламида 4-6 %. Поясида 0,3 %.

3-Боб. ЭФИР МОЙЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ.

Ҳозирги кунда халқ хужалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ўсимлик маҳсулотларидан бири эфир мойидир. Чунки ҳозирги кунда аҳолининг моддий ҳамда маданий фаровонлигини янада ошириш, турмуш шароитларининг табора яхшиланиши эфир мойларидан тайёрланадиган парфюмерия косметик маҳсулотларнинг юқори сифатли булишини такоза этилмоқда.

Мамлакатимизда табиий эфир мойларини ишлаб чиқариш билан бир каторда кимёвий усул билан хушбуй хидли синтетик моддалар олинмоқда. Бу моддаларни синтез қилишда эфир мойларининг цинтрал ва шу қаби компонентлари ҳамда асосан табиий ўсимлик колдикларидан ҳосил бўлган тошқўмир, нефт хомашё манбаи ҳисобланади.

Эфир мойли ўсимликлардан тайёрланган дори турлари ҳам тиббиётда кенг қўлланилади. Эфир мойлари фармацевтикада бошқа дорилар мазаси ва хидини яхшилаш учун қадимдан ишлатилиб келинган. Кўпгина эфир мойлари бактериацид хоссага эга бўлганидан тиш касалликларини даволашда ва ингаляция қилишда қўлланилади. Хоналар хавосини яхшилаш учун ҳам эфир мойларидан фойдаланилади.

Эфир мойлари кўпроқ парфюмерияда, косметикада, техникада ва озик-овкат саноатида ишлатилади. Эфир мойлари халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатилиши билан бир каторда уларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Масалан, кийикўт зиравор сифатида турли таомлар ва салатлар тайёрлашда ҳам фойдаланса бўлади. Кийикўт саноатда гушт ва балик консервалари, ширинликлар, вино ликёрларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Жўка гулида 0,05 % эфир мойи, 0,6 - 1,09 % флавоноидлар, сапонинлар, ошловчи ва шиллик моддалар, каротин ҳамда аскорбин кислота бўлади.

Жўка гулидан тайёрланган дамлама халқ табобатида шамоллаш касалликларида терлатувчи, турли қон оқишларида қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилади. Дамламаси яна йўтални, турли асаб касалликларини ва бош огригини даволашда ишлатилади. Иссик дамлама билан тамок огриганда тамок чайилади.

Доривор лимонутнинг ер устки қисми таркибида 0,02 - 0,14% эфир мойи 150 мг % витамин С кофе, олеанол, урсол ва бошқа кислоталар, флавоноидлар 5 % гача ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Халқ орасида ҳозирги кунда ҳам лимонўтнинг ер устки қисми (баъзан баргнинг) дамламаси овқат хазмини яхшилаш учун ишлатилади.

Умуман эфир мойлари ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган бўлиб, улар валериана, арча, арпабодиён, мармарак, мойчечак гулларида ҳамда купчилик зиравор ўсимликларда кўп сақланади.

Эфир мойлари узига хос, асосан ароматик (ёқимли) хид ва ўткир мазали, учувчан органик бирикмалардан ташкил топган аралашмадир. Уларнинг таркибига турли тузилишга ва функционал гуруҳларга эга бўлган моддалар киргани учун, эфир мойлари киши организмига ҳар хил фармакологик таъсир (балғам кўчирувчи, ўт ва сийдик ҳайдовчи, иштаха очувчи, дезинфекция қилувчи, антисептик, спазмга қарши ва бошқалар) кўрсатади.

ХУЛОСА

1. Ўрганилган ўсимликларни таҳлил қилиш натижасида эфир мойли ўсимликлар 11 та оила, 20 та туркум, 23 та тур ўсимликлар эканлиги аниқланди.
2. Ўрганилган ўсимликлар ҳаётий шакилларига кўра 6 та дарахт, 15 та кўп йиллик, 2 та бир йиллик ўсимликлар эканлиги аниқланди.

3. Ўрганилган эфир мойли ўсимликлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида парфюмерия саноатида, атир-упалар, тиш пасталари ва порошоклар, памадалар ҳамда совунлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахунов Х. М. Определитель деревьев и кустарников горных районов Узбекистана. - Ташкент, - 1990. – 87 б.
2. Буригин В. А, Жонгурозов Ф. Х. Ботаника. – Ташкент. - 1997. – 351 б.
3. Жизнь растений т. 4-6 «Просвещение Москва» 1978-1980, 1981
4. Жуковский П. М. Ботаника. Изд. «Высшая школа». –Москва, - 1982.

- 667 с.

5. Еленевский А. Г, Соловьева М. П, Тихомиров В. Н. Ботаника Систематика высших, или наземных растений. – Москва, - 2001. - 429 с.
6. Зокиров Қ. З., Жамолхонов Х. А. Ўзбек ботаника терминологияси масалалари. - Тошкент, - 1996. - 43 б.
7. Зокиров Қ. З., Набиев М. М., Пратов Ў. П., Жамолхонов Х. А. Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати –Тошкент, - 1963. - 153 б.
8. Зоҳидов Ҳ. Шифо хазинаси. –Тошкент, - 2000. - 176 б.
9. Курсанов Л. И, Комарницкий Н. А, Мейер К. И, Раздорский Ф. А, Уранов А. А. Ботаника. - 2 том. – Тошкент, - 1963. - 513 б.
10. Махмудов А., Тоғаев И. Юксак ўсимликлар бўйича амалий машғулотлар. «Университет». - Тошкент. – 1994. - 85 б.
11. Мурдахаев Ю Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар “Фан” Тошкент. 1990 – 75 б.
12. Набиев М. М. Ботаника атлас луғати. –Тошкент. - 1969 - 253 б.
13. Набиев М. Сабзавот резавор мевалар, зираворлар хосияти. – Тошкент. – 1990. - 160 б.
14. Определитель растений Средней Азии. Т. II, - Тошкент. -1971. - 362 с.
15. Определитель растений Средней Азии. Т. VI, - Тошкент. – 1993. - 692 с.
16. Определитель растений Средней Азии. Т. VII, - Тошкент. – 1983. - 414 с.
17. ПратовЎ.П., М.М. Набиев. Ўзбекистон юксак ўсимликларининг замонавий тизими. – Тошкент. – 2007. - 62 б.
18. Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т. Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи. - Тошкент. – 1987. - 327 б.

19. Ҳамидов П., Шукруллаев Е., Тарасова Ю., Қурбонов А., Умрзоков.
Ботаника асослари. – Тошкент. – 1990. - 318 б.
20. Хожиматов К. Ўзбекистоннинг хушбўй ва хуштаъм ўсимликлари. “Фан”
Тошкент. 1992-81 б.
21. Холиқов К. Ўзбекистон жанубидаги доривор ўсимликлар. Меҳнат.
Тошкент. 1992 - 74 б.
22. Холматов Х.Х Аҳмедов Ў.А. Фармакогнозия. “Ибн Сино” Тошкент.
1995 – 622 б.
23. Яковлев Г. П. Ботаника. – Москва. – 2001. - 647 с.